

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВА

**ТИКАНЛИ АРТИШОК (CYNARA SCOLYMUS L.) ХОМАШЁСИ ВА
ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИ СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Миррахимова Танзила Ахроровна

Тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) хомашёси ва курук
экстрактини стандартлаш 3

Миррахимова Танзила Ахроровна

Стандартизация сырья и сухого экстракта артишока колючего
(*Cynara scolymus* L.)..... 21

Mirrakhimova Tanzila Akhrorovna

Standartization of artichoke prickly (*Cynara scolymus* L.) raw material
and dry extract..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВА

**ТИКАНЛИ АРТИШОК (CYNARA SCOLYMUS L.) ХОМАШЁСИ ВА
ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИ СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Far.6. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Таджиев Мансур Азизович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Арипова Салима Фазиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Маркази» Давлат унитар корхонаси

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2017 й. соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04 e-mail:pharmi@pharmi.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38)

Диссертация автореферати 2017 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2017 йил «___»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Х.К. Джалилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси фарм.ф.д., профессор

Р.Т. Туляганов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби б.ф.д., доцент

С.Н. Аминов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда жигар ва ўт йўллари касалликлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра 2015 йилнинг ўзида мазкур касалликлардан 1,34 млн киши вафот этган бўлиб, бу кўрсаткичнинг ўсиб бориш тенденцияси яққол кузатилмоқда. Ушбу касалликларни даволашда табиий хомашё асосида олинган дори воситалари синтетик дори воситаларига нисбатан кенг доирадаги фармакологик таъсирга эгаллиги, организмга ножўя таъсирининг камлиги билан устун туради. Ўсимликлар асосида янги дори воситаларини яратишга ва уларни тиббиёт амалиётига тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда маҳаллий тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) асосида олинган жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган юқори самарали дори воситаларини яратиш ва уларни сифат меъёрларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳонда жигар ва ўт йўллари касалликларни даволашда синтетик дори воситаларига нисбатан доривор ўсимликлар асосида олинган препаратларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Кўпгина Европа мамлакатларида мазкур касалликларни даволашда тиканли артишок асосида олинган препаратлардан кенг қўлланилади ҳамда фармакология, дори воситалари технологияси ва уларни сифатини назорат қилиш каби йўналишларда тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида яратиб берилган кенг имкониятлар бошқа соҳалар қатори фармацевтика саноатини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлди. Ҳозирда мамлакатимизда 130 дан ортиқ фармацевтика корхоналари фаолият кўрсатиб, улар томонидан 2 мингдан зиёд турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда республикаимиз ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар асосида янги дори воситаларини яратиш, шунингдек саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий қилиш борасидаги ишларни янада жадал йўлга қўйилиши тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантиришга қулай шароитлар яратиш мақсадида «Зомин-фарм», «Бойсун-фарм», «Паркент-фарм», «Косонсой-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Сирдарё-фарм» ва «Нукус-фарм» каби эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарининг ташкил этилиши ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида ўз ифодасини топган.¹ Тиканли артишок хомашёси асосида жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган дори препаратини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича тадқиқотларни амалга оширишда тиканли артишок хомашёсининг таркибий қисмларини тадқиқ этиш, сифатини назорат қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

усулларини ишлаб чиқиш, мазкур хомашё асосида куруқ экстракт олиш, унинг кимёвий таркибини ўрганиш, сифат меъёрларини аниқлаш ва стандартлаш, яратилган экстрактнинг биологик фаоллигини «in vivo» ва «in vitro» усулларида аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 июлдаги «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3137-сон қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг IV боби «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»да назарда тутилган чора-тадбирларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI, «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиканли артишок агротехник хусусиятларини аниқлаш, кишлок ҳўжалигида ем-хашак сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон олимлари Б.Амиров томонидан, Самарқанд вилоятининг турли шароитларида тиканли артишокнинг Биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уни жорий этиш бўйича З.Б.Номозова томонидан, тиканли артишокни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича А.А.Абзаловларнинг ишлари илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Россия (Кавказ Минерал Сувлари) да интродукция қилинган тиканли артишокни фармакогностик хусусиятларини ўрганиш устида И.Л.Лунева, В.А. Челембитко, Т.В.Орловскаялар изланишлар олиб боришган.

Адабиётлар таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, тиканли артишок ўсимлигига қадимдан катта эътибор қаратиб келинган. Жумладан, грек шифокори Гален уни ўзининг доривор ўсимликлар рўйиҳатида киритган. Ўтлар ёрдамида даволашнинг муаллифларидан бири бўлган нидерланд ботаниги Гомберт Додоне (1516-1583 йй.) артишокнинг ўт ҳайдовчи хусусиятини биринчи бўлиб қайд этган. Сарик касаллигини даволашда артишок баргларининг юқори самарали таъсирга эга эканлиги бенедикт монахи Александр Николас томонидан қайд этилган. Тиканли артишок баргларида берберин, хинин ва лизергин кислота алкалоидларини, флавоноидлар, оксидолчин кислоталари ва бошқа бирикмаларни ажратиш ҳамда хоссаларини ўрганиш билан O.S. Wolfbeis, Л.И. Драник, X.F.Zhu, Н.Х. Zhang, Y.T. Tanaka, K.Tanaka, Н.Kojima, A.Mutalib каби олимлар олиб борган изланишлари аҳамиятлидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг АДСС 15.28.2 «Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) хомашёси асосида гепатопротектор ва ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган янги дори препаратларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок хомашёси ва унинг асосида яратилган ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган дори препаратини сифат меъёрларини белгилаш ҳамда стандартлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ҳудудида етиштирилган тиканли артишок таркибий қисмларини фармакогностик таҳлил қилиш;

ўсиш ҳудуди шароитининг ўзгаришига қараб тиканли артишок шифобахш хусусиятларини сақлаб қолишини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон, Россия ва Марокашда ўсувчи мазкур ўсимлик таркибий қисмларининг қиёсий таҳлили;

Ўзбекистон ҳудудида етиштирилдиган тиканли артишок хомашёси таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш;

Ўзбекистон ҳудудида етиштирилган тиканли артишок асосида олинган куруқ экстрактининг сифат меъёрларини аниқлаш ва стандартлаш;

тиканли артишок асосидаги куруқ экстрактнинг клиник олди синовларини ўтказиш;

тиканли артишок хомашёси асосида олинган куруқ экстрактнинг сифат меъёрларини белгилаш натижалари асосида меъёрий ҳужжатларни тузиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда етиштирилган тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) ва унинг асосида олинган куруқ экстракт.

Тадқиқотнинг предмети. Тиканли артишок хомашёси ва унинг асосида олинган куруқ экстрактни таҳлилнинг анаънавий ва замонавий физик-кимёвий усулларини қўллаган ҳолда сифат меъёрларини аниқлаб стандартлаш ва амалиётга жорий этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда технологик, кимёвий, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган дори препаратининг сифат назорати «Доривор ўсимлик махсулотлари таҳлил усуллари», «Экстрактлар» (ХІ ДФ, 1,2 қисм) умумий фармакопея мақолалари талабларига мувофиқ олиб борилган ҳамда микдорий таҳлилида спектрофотометрия («СФ-46», Россия) ва масс-спектрометрия («ICP-MS AT-7500a» спектрометри, АҚШ), ИҚ–спектрофотометрия («Perkin-Elmer» 2000, Фурье ИҚ-спектрофотометри, АҚШ), юқори самарали суюқлик хроматография («Agilent Technologies» хроматографлари, АҚШ), газ-суюқлик хроматографияси («Agilent 6890 N»,

АҚШ), ион алмашилиш хроматографияси («Т-339» аминокислота анализатори, Чехия) ҳамда кимёвий усуллар ишлатилган.

Натижаларнинг статистик таҳлилида компьютер дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор етиштириладиган тиканли артишок хомашёсининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган ҳамда стандартлаштирилган;

маҳаллий тиканли артишок хомашёси асосида қуруқ экстракт олишнинг мақбул шароитлари ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий тиканли артишок хомашёси асосида олинган қуруқ экстрактнинг фармако-токсикологик хусусиятлари очиқ берилган;

ўсиш ҳудуди шароитига қараб тиканли артишок кимёвий таркибининг сифат ва миқдорий жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи аминокислоталар, экстрактив моддалар миқдори, полисахаридлар, макро- ва микроэлементлар каби таркиблари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Ўзбекистонда етиштирилган тиканли артишок хомашёси асосида олинган қуруқ экстрактни саноат миқёсида ишлаб чиқариш мақсадида унинг сифат меъёрлари аниқланган, стандартланган ва олинган натижалар асосида "Remedy Group" Ўзбек-Британия қўшма корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда корхона фармакопея мақоласи (КФМ) ишлаб чиқилган. Корхона шароитида қуруқ экстрактнинг муқобил таркиби ва технологияси бўйича синов ишлари амалга оширилган, таклиф этилган таҳлил усуллари асосида сифат назорати олиб борилган, олинган натижалар ижобий бўлиб, мазкур препаратга саноат тажриба регламенти тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар замонавий математик, статистик, таҳлилий усуллар ва клиник текширувлар асосида ва саноат миқёсида ишлаб чиқариш жараёнида тасдиқланган. Текширувлар масс-спектрометрия «ICP-MS AT 7500a» (АҚШ), юқори самарали суюқлик хроматография «Agilent 1100» (АҚШ), газ-суюқлик хроматография «Agilent 6890 N» (АҚШ) каби замонавий таҳлил усуллари ёрдамида олинган натижалар билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Ўзбекистон, Россия ва Марокашда етиштирилувчи тиканли артишок хомашёсининг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятларига ўсиш шароитининг ўзгариши сезиларли таъсир кўрсатмаслиги ушбу хомашёларни қиёсий ўрганиш орқали исботланди. Ўтказилган тадқиқот натижасида илк бор тиканли артишок хомашёси ва унинг қуруқ экстракт учун стандартлаш ва сифат назорати усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё асосида олинган тиканли артишокнинг қуруқ экстракт ўзининг самарадорлиги бўйича ҳориждан келтирилиувчи дори воситалари: «Хофитол» (Laboratories Roza –

Phytopharma, Франция) ва «Цинарикс» (Pharmazeutische Fabric Montavit Ges. M.b.H., Австрия) дан кам бўлмаган, иқтисодий жиҳатдан улардан устунлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиканли артишок хомашёси асосида олинган куруқ экстрактни стандартлаш ва сифат назорати усуллари ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида:

тиканли артишок барглари ҳамда тиканли артишок барглари куруқ экстракти учун корхона фармакопее мақолалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз–22175941-2998-2016 ва КФМ 42 Уз–22175941-2997-2016). Натижада тиканли артишок хомашёси ва куруқ экстракти корхона шароитида стандартланган, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш имконини берган;

тиканли артишок барглари ҳамда тиканли артишок барглари куруқ экстракти Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган (20.12.2016 й., 01212/12/16 ва 01213/12/16). Натижада Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок хомашёси асосида ўт ҳайдовчи хусусиятга эга бўлган дори препарати яратилиб, ушбу дори препарати ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиканли артишок (*Cynara scolymus L.*) истикболли доривор ўсимлик**» деб номланган биринчи бобида *Cynara L* туркумига мансуб ўсимликлар, шунингдек Ўзбекистонда маданийлаштирилган тиканли артишок *Cynara scolymus L* ўсимлигига тегишли умумий маълумотлар жамланган илмий адабиётлар шарҳи баён этилган бўлиб, жумладан уларнинг ботаник тавсифи, артишок асосидаги дори воситаларининг фармакологик фаоллиги, БФМлар таркиби, ҳамда тиканли артишокдан тиббиёт ва халқ хўжалигида фойдаланиш усуллари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок ва унинг асосида олинган куруқ экстракт кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида тиканли артишок хомашёси ҳамда унинг асосида олинган куруқ экстракт (ҚЭ) БФМларнинг сифат ва миқдорий таркибини ўрганиш натижалари келтирилган.

Флавоноидларни сифат жиҳатидан баҳолашни юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ) ва кимёвий-аналитик реакциялар ёрдамида рутин, лютеолин, кверцетин, скутелярин, гиперозид ҳамда цинарозидларнинг стандарт намуналари билан солиштириб амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра, иккала намунада антиоксидант фаолликка эга рутин, лютеолин, скутелярин, гиперозид, цинарозид ва кверцетинлар аниқланди.

Оксидолчин кислоталарни сифат таркибини аниқлаш қоғоз хроматографияси (ҚХ) усулида хроматогафик камерада амалга оширилди.

Бунинг учун барглардан спиртли ажратма (70% этил спирти, нисбат 1:100, ҳарорат 50°C, 2 соат), ҚЭнинг сувли эритмаси (масса-ҳажм нисбати 1:10) таёрланди, қўзғалувчан фаза сифатида 2% сирка кислотаси ишлатилди. Хроматогафик қоғозда УБ нурлари таъсирида ҳаво рангдаги флюорисценцияланувчи доғлар ҳосил бўлди.

Олинган натижаларга кўра хомашё ва ҚЭ таркибида флавоноидлар, оксидолчин кислоталар, ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси ва аминокислоталар мавжудлиги аниқланди.


Ёғсизлантирилган хомашё (кетма-кет хлороформ ва 82% этил спирти билан ишланган) таркибидаги углеводларнинг идентификацияси уларни фракцияларга ажратилгандан сўнг амалга оширилди. Шунингдек, спиртда эрувчан қандларнинг (СЭҚ) сифат таркиби ҳам ўрганилди.

Артишок барглари умумий липидларнинг сифат таркибини уларни силикагель устунида хроматографиялаш усули ёрдамида хлороформом билан ювиш орқали нейтрал липидларга, ацетон билан гликолипидлар, сўнггра метанол ёрдамида фосфолипидларга ажратиш орқали ўрганилди. Ушбу фракцияларнинг таркибини аналитик ЮҚХ усули билан модель намуналарга солиштириб ва сифат реакциялар ёрдамида тадқиқ этилди.

Тиканли артишок хомашёси ва экстракти сифат таркиби юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усули ёрдамида ўрганилди. Таҳлиллар учун тиканли артишок баргларида 70% спиртли ажратма (масса-ҳажм нисбати 1:100, 50°C ҳарорат, 2 соат давомида экстракция), шунингдек ҚЭнинг сувли (1:100 нисбатда, қайноқ сув, ультратовуш ҳаммоми) эритмасидан фойдаланилди. Олинган маълумотларга кўра артишок барглари

ва экстракти таркибида 10 дан ортиқ БФМлар мавжудлиги аниқланди. Тиканли артишок барглари нинг кимёвий таркиби миқдорий жиҳатдан ҳам ЮССХ усули ёрдамида аниқланди.

Хомашёда хлороген кислотаси (88,18 мкг/мл), цинарозид (36,94 мкг/мл), рибофлавин (5,29 мкг/мл) ва каҳва (1,87 мкг/мл) кислоталарининг юқори миқдорда сақланиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Артишок баргларида олинган 70% спиртли ажратманинг хроматограммаси

Тиканли артишок барглари спиртли ажратмаси таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори 0,88 мкг/мл (ушланиш вақти 2,38 мин., чўққи майдони 32.14 mAU*s) ни ташкил этади.

Оксидолчин кислоталар йиғиндиси спектрофотометрия (СФ) усулида 329 ± 2 нм тўлқин узунлигида аниқланди. Такқосланувчи эритма сифатида 50% этил спирти хизмат қилди.

Тажрибаларда параллел равишда, юқоридаги билан бир хил шароитда текширилувчи эритмага нисбатан аналогик тарзда тайёрланган хлороген кислотаси стандарт намуна эритмасининг (СНЭ) оптик зичлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тиканли артишок барглари таркибидаги оксидолчин кислоталарнинг хлороген кислотага нисбатан миқдори

Оптик зичлиги, D	Оксидолчин кислоталари миқдори, %	Метрологик тавсифлари
0,233	1,89	$\bar{X} = 1,86$ $S = 0,0212$ $S_{\bar{x}} = 0,0095$ $\Delta X = 0,0544$ $\Delta \bar{X} = 0,0242$ $\varepsilon = 2,90$ $\bar{\varepsilon} = 1,30$
0,228	1,85	
0,230	1,86	
0,232	1,88	
0,227	1,84	

Тиканли артишок барглари таркибидаги оксидолчин кислоталарининг йиғиндиси хлороген кислотага нисбатан ўртача 1,86% ташкил этиб, Ўзбекистон шароитида етиштирилаётган ушбу ўсимлик таркибида мазкур

кислоталарининг етарли миқдорда тўпланишидан дарак беради.

Артишок баргларининг элемент таркиби масс-спектрометрик усулда аниқланди. Натижалар хомашё таркибида муҳим биоэлементлар натрий (6500,0 мг/кг), калий (44000,0 мг/кг), кальций (11000,0 мг/кг), магний (4100,0 мг/кг), фосфор (2200,0 мг/кг), темир (930,0 мг/кг), марганец (41,0 мг/кг), рух (27,0 мг/кг) ва олтингугурт (1200,0 мг/кг) кабиларнинг фаол тўпланишидан дарак беради.

Барглардаги ошловчи моддаларнинг миқдори 5,09% ташкил этди.

Тиканли артишок баргларининг умумий липидлар миқдори ва ёғ кислоталари таркиби ўрганилди. Умумий липидларнинг унуми 5,46% ни ташкил этди. Умумий липидлар массасига нисбатан (0,1349 г) нейтрал липидлар 0,0764 г, гликолипидлар – 0,0496 г, фосфолипидлар – 0,0089 г ни ташкил этиши аниқланди. Баргларнинг ёғ кислоталари таркиби умумий липидларни 10% КОН нинг ментолдаги эритмаси ёрдамида гидролизланганидан сўнг газ суяқлик хроматографияси (ГСХ) усулида ўрганилди.

Липидлар таркиби ўз ичига 6 та ёғ кислотасидан иборат тўпламни киритиши аниқланди, хомашё таркибида тўйинган ёғ кислоталари юқори концентрацияда (80,91%) мавжуд бўлиб, бунда пальмитин кислотасининг миқдори жами тўйинган ёғ кислоталари йиғиндисининг 70,05% ни қисмини ташкил этди.

Тиканли артишок барглари таркибидаги оқсил миқдори Калькар усулида, ҳамда боғланган ва эркин аминокислоталарнинг миқдори аниқланди. Баргларнинг аминокислота таркибини тадқиқ этиш натижасида 16 та аминокислота аниқланиб, улардан 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталар эканлиги кўрсатиб берилди (2-жадвалга қаранг). Хомашё таркибида оқсил 8,64% ни ташкил этади.

2-жадвал

Тиканли артишок баргларининг боғланган ва эркин аминокислоталари таркиби

Аниқланган аминокислоталар	Аминокислоталар миқдори, %		Аниқланган аминокислоталар	Аминокислоталар миқдори, %	
	Эркин	Боғланган		Эркин	Боғланган
Аспарагин	0,72	0,17	Метионин*	0,08	0,07
Треонин*	0,28	0,10	Изолейцин*	0,22	0,10
Серин	0,29	0,15	Лейцин*	0,28	0,28
Глутамин	1,19	0,52	Тирозин	0,14	0,09
Пролин	0,20	0,27	Фенилаланин*	0,23	0,12
Глицин	0,26	0,17	Гистидин*	0,23	0,10
Аланин	0,28	0,20	Лизин*	0,09	0,16
Валин*	0,27	0,16	Аргинин	0,23	0,25
Аминокислоталарнинг умумий йиғиндиси				Σ 4,99	Σ 2,91

* - алмашинмайдиган оқсиллар

Шунингдек, ажратиб олинган оксилнинг молекуляр массаси ЮССХ усули ёрдамида аниқланди. Оксилларнинг молекуляр массасини аниқлаш учун колонка олдиндан маълум стандарт оксил эритмалари билан калибровка қилинди: иммуноглобулин (160 кДа), қон зардоби альбумини (67 кДа), овальбумин (45 кДа), трипсин ингибитори (20 кДа). Молекуляр массани калибровка графиги ёрдамида, оксил молекуляр массасини унинг ушланиш вақтига боғлиқлик логарифмдан фойдаланиб аниқланди. Бунда намунадаги оксил компонентлари молекуляр массаси гомоген бўлмасдан, балки гетероген эканлиги, молекуляр массаси 55,6 кДа дан 7,7 кДа гача эканлиги, шунингдек фақат бир 4,0 кДа молекуляр массали пептид борлиги аниқланди.


Тиканли артишок баргларида ажратиб олинган полисахаридлар уларни фракцияларга ажратилгандан сўнг тадқиқ этилди. Совуқ экстракция ёрдамида ажратиб олинган сувда эрувчан полисахаридлар (СЭП-С) унуми 3,9 г (9,75%) ни ташкил этиб, унинг моносахарид таркиби ҚХ натижаларига кўра урон кислоталари ва нейтрал моносахаридлардан иборат. Арабиноза ва ксилоза кўпчиликни ташкил этди. Қайноқ экстракция ёрдамида ажратиб олинган сувда эрувчан полисахаридлар (СЭП-Қ) унуми 0,89 г (2,25%) ни ташкил этди. Моносахарид таркиби кислотали ва нейтрал моносахаридлардан иборат. Урон кислоталари, галактоза, арабиноза кўпчиликни ташкил этиб, глюкоза ва рамноза оз миқдорда мавжудлиги аниқланди. Пектин моддаларнинг (ПМ) унуми 3,39 г (8,47%) ни ташкил этди. Моносахарид таркиби асосан урон кислоталари, галактоза, арабиноза ва рамнозадан иборат. Гемицеллюлозалар (ГМЦ) унуми 2,67г (6,67%) ни ташкил этди. ГМЦларнинг таркибий қисми урон кислоталари ва нейтрал моносахаридлар, асосан, галактоза, арабиноза ва ксилозадан иборатдир. Барглар таркибидан ажратиб олинган барча полисахаридлар ўз таркибида кислотали, ҳамда нейтрал моносахаридлар сақлайди. Ажратиб олинган полисахаридларнинг ИҚ-спектроскопик таҳлили амалга оширилди. Олинган натижалар полисахаридлар таркибида галактоза, арабиноза, глюкоза, рамноза, ксилоза каби моносахаридлар ва урон кислоталари мавжудлигини кўрсатди.

ҚЭ олиш қуйидагича амалга оширилди: майдаланган (7 мм) хомашё КД-2КУ типдаги экстракторда тозаланган сув билан икки маротаба (1:12 ва 1:10 нисбатларда) 2 соатдан 70-80°C ҳароратда экстракция қилиб олинди. Тайёр экстрактлар бирлаштирилди, пахта фильтр орқали сузилди ва вакуум буғлаткичи ёрдамида қуритилди. Сувли экстрактни қуритиш қуйидагича амалга оширилади: қуритиш токчаларнинг юзасига полиэтилен плёнкалари ёпилди ва уларнинг устига сузиб олинган сувли экстракт қуйилди ҳамда қуритиш токчалари қуритиш шкафларига жойланиб, вакуум насоси буғланаётган суюқликни тортиб олиши учун ёқилган ҳолатда 60°C ҳароратда 4-6 соат давомида қуритилди. Қуритиб олинган масса РП-19 русумли майдалагичда қуқун ҳолигача майдаланди.

Тайёр ҚЭнинг ДФ талабларига мувофиқ қуйидаги сон кўрсаткичлари аниқланди: тасвирланиши, намлик, оғир металллар.

Ташқи кўриниши бўйича ҚЭ жигар рангдаги ўзига хос ҳидли кукун бўлиб, намлиги 3,09% ни ташкил этди, оғир металллар миқдори бўйича ХІ ДФ талабларига жавоб берди.

ҚЭнинг сувли эритмасидаги БФМлар миқдорий таҳлили ЮССХ усули ёрдамида амалга оширилиб, унинг таркибида хлороген кислотаси (67,26 мкг/мл), кофеин (648,39 мкг/мл), цинарозид (41,52 мкг/мл) ва қаҳва (31,45 мкг/мл) кислоталарининг нисбатан кўплиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Артишок қуруқ экстрактивнинг хроматограммаси

Тиканли артишок ҚЭнинг 0,1% ортофосфат кислотадаги эритмаси таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдорий таҳлили ЮССХ усулида амалга оширилиб, унинг миқдори 0,38 мкг/мл (ушланиш вақти 2,480 мин., чўққи майдони 12.84 mAU*s) ни ташкил этди.

Тиканли артишок ҚЭ таркибидаги оксидолчин кислоталарининг йиғиндисини хлороген кислотасига нисбатан СФ усули ёрдамида аниқланиб, оксидолчин кислоталари ўртача 7,2% ташкил этди.

Тиканли артишок ҚЭ таркибидаги ошловчи моддалар ўртача 6,39% ни ташкил этди.

ҚЭнинг элемент таркибини масс-спектрометрия усулида аниқланди. Элемент таҳлил натижаларига кўра ҚЭ таркибида қуйидаги биоэлементлар нисбатан кўпроқ миқдорда экани аниқланди: натрий (1600,0 мг/кг), калий (9000,0 мг/кг), кальций (1500,0 мг/кг), магний (1800,0 мг/кг), фосфор (3000,0 мг/кг), темир (33,0 мг/кг), олтингугурт (1000,0 мг/кг), марганец (2,0 мг/кг), рух (2,0 мг/кг) ва мис (8,6 мг/кг).

Тиканли артишок ҚЭ аминокислота таркибини тадқиқ этиш натижасида 16 аминокислота аниқланиб, улардан 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталар—валин, треонин, метионин, изолейцин, лейцин, лизин, фенилаланин, гистидин ва аргинин эканлиги кўрсатиб берилди. Оқсил миқдори 15,6% ни ташкил этиб, унда алмашинадиган аминокислоталардан глютамин, пролин ва аспарагин кўпроқ сақланиши маълум бўлди.

Диссертациянинг «Ўсиш ҳудуди шароитига қараб тиканли артишок кимёвий таркибининг қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида

Ўзбекистонда ва баъзи бошқа давлатларда етиштирилган тиканли артишок кимёвий таркибининг қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.

Марокаш, Россия ва Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок барглари таркибидан тозаланган сув, 40% ва 70% этил спирти билан олинган экстрактив моддаларнинг солиштирма таҳлили ўтказилди. Натижаларга кўра намуналардан сув ёрдамида олинган экстрларда экстрактив моддаларнинг ажралиб чиқиши юқорида эканлиги аниқланди (3-жадвалга қаранг).

Органик ва минерал қўшимчаларнинг мақсадга мувофиқ меъёри уларнинг намуналардаги 1% дан ортиқ бўлмаган миқдори ҳисобланади.

3-жадвал

Тиканли артишок баргларидаги экстрактив моддалар миқдори

Намуналар Экстрагентлар	Экстрактив моддалар миқдори, %		
	Марокаш	Россия (Кавказ Минерал Сувлари)	Ўзбекистон
Тозаланган сув	23,2 ±0,6 ε = ±2,7%	25,4 ±0,2 ε = ±1,1 %	27,98±0,2 ε = ±1,3 %
Этил спирти 40%	21,4 ±0,6 ε = ±2,82 %	22,1 ±0,4 ε = ±1,6%	24,7±0,5 ε = ±1,5 %
Этил спирти 70%	16,8 ±0,5 ε = ±3,1 %	18,3 ±0,6 ε = ±3,2%	23,9±0,4 ε = ±1,5 %

Тиканли артишок барглари БФМлари сифат таркибининг қиёсий таҳлили натижаларига қараганда ҳар учала намунада оксидолчин кислоталари, флавоноидлар, ошловчи моддалар, аминокислоталар ва аскорбин кислотаси мавжудлиги аниқланди.

Аминокислоталар таркибининг қиёсий таҳлил натижаларига кўра Россия ҳудудида ўсувчи мазкур ўсимлик барглари таркибида пролин каби аминокислота мавжуд эмаслиги ҳамда аспарагин, глутамин, метионин, аргинин каби аминокислоталар миқдори республикада ўсадиган намунага қараганда сезиларли даражада камлиги аниқланди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Тиканли артишок барглари эркин аминокислоталар миқдорий таркибини қиёсий баҳолаш

Аниқланган аминокислоталар	Аминокислоталар миқдори, %		Аниқланган аминокислоталар	Аминокислоталар миқдори, %	
	Ўзбекистон	Россия		Ўзбекистон	Россия
Аспарагин	0,72	0,52	Метионин *	0,08	0,01
Треонин *	0,28	0,61	Изолейцин *	0,22	0,49
Серин	0,29	0,6	Лейцин *	0,28	0,77
Глутамин	1,19	0,95	Тирозин	0,14	0,33
Пролин	0,20	-	Фенилаланин *	0,23	0,63
Глицин	0,26	0,42	Гистидин *	0,23	0,32
Аланин	0,28	0,55	Лизин *	0,09	0,72
Валин *	0,27	0,66	Аргинин *	0,23	0,05

*- алмашмийдиган аминокислоталар

Ўзбекистондаги тиканли артишок полисахаридлар қиёсий таркибига кўра СЭП-С, СЭП-Қ, ПМ ва ГМЦлар миқдорий жиҳатдан устунроқ. Россияда етиштирилган намунанинг ПМлар таркибида глюкоза аниқланмади, бироқ ҳар иккала намунанинг СЭП-С фракцияларида рамноза аниқланмади. Бинобарин, моносахаридлар таркиби бўйича намуналарда фарқлар унчалик катта эмаслиги кўрсатиб берилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Тиканли артишок барглари полисахаридларнинг моносахарид таркибини қиёсий баҳолаш

Полисахаридлар тури	Унуми, %	Моносахаридлар					
		галактоза	глюкоза	арабиноза	ксилоза	рамноза	урон кислота-лари
Ўзбекистон							
СЭП-С	9,75	+	+	+	+	-	+
СЭП-Қ	2,25	+	+	+	+	кучсиз	+
ПМ	8,47	+	кучсиз	+	кучсиз	+	+
ГМЦ	6,67	+	кучсиз	+	+	+	+
Россия (КМС)							
СЭП-С	5,1	+	+	+	+	-	+
СЭП-Қ	0,78	+	кучсиз	+	+	+	+
ПМ	2,4	+	-	+	+	+	+
ГМЦ	2,63	+	+	+	+	кучсиз	+

Қиёсий таҳлил натижалари микроэлементлар миқдори бўйича Ўзбекистонда етиштирилган тиканли артишок хомашёси Россия ва Марокаш хомашёларидан афзал эканлигини кўрсатди (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Тиканли артишок барглари элемент таркибининг қиёсий таҳлили

Кимёвий элемент	Элементлар миқдори, мг/кг			Кимёвий элемент	Элементлар миқдори, мг/кг		
	Марокаш	Россия	Ўзбекистон		Марокаш	Россия	Ўзбекистон
Na	20580,0	20700,0	6500,0	Co	0,05	0,07	2,3
K	6920,0	6900,0	44000,0	Ni	1,35	0,21	14,0
Ca	6910,0	6900,0	11000,0	V	0,33	0,21	36,0
Mg	2050,0	2070,0	4100,0	Cr	0,53	0,41	110,0
P	2080,0	2070,0	2200,0	Fe	208,0	207,0	930,0
Ag	0,008	0,007	1,0	Cu	3,23	3,45	8,7
Mo	0,43	0,35	9,50	Zn	4,12	4,14	27,0
Li	2,05	2,07	5,20	Pb	0,57	0,69	6,0
Mn	22,53	20,70	41,0	Al	136,0	138,0	370,00

Тиканли артишок барглари морфолого-анатомик жиҳатдан қиёсий тадқиқ этилганда улар орасида сезиларли фарқ йўқлиги аниқланди. Ўзбекистон намунасида баргларнинг остки эпидермис хужайраларнинг деворлари енгил тўлқинсимон тузилишда бўлса Россия намунасида эса нисбатан аксинча бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда етиштирилган тиканли артишок хомашёси ва унинг асосида олинган қуруқ экстрактнинг сифат назорати» деб номланган тўртинчи бобида тиканли артишок хомашёси ҳамда ҚЭнинг сифат меъёрларини аниқлаш, таҳлил усуллари валидацияси ва ҚЭнинг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тиканли артишок хомашёси сифатида ўсимлигининг гуллашгача бўлган даврдаги қуритилган илдиз олди барглари ишлатилиши белгиланиб, хомашёнинг сифат назорати ташқи белгилари, микроскопик тузилиши, чинлиги, сон кўрсаткичлари, оғир металлар, микробиологик тозаллиги ва микдорий таҳлил каби кўрсаткичлари асосида ўтказилди.

Хомашё таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотага нисбатан миқдори 1,5% дан кам бўлмаслиги, намлик 10% дан, умумий қул миқдори 13% дан, 10% хлорид кислотасида эримайдиган қул миқдори 4% дан, диаметри 10 мм ли элакдан ўтмайдиган даражада майдаланган ўсимлик қисмлари 15% дан, диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтайдиган даражада майдаланган ўсимлик қисмлари 1% дан ҳамда органик ва минерал аралашмалар 1% дан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди.

ҚЭнинг сифат назорати тасвирланиши, чинлиги, қуритиш жараёнида массанинг йўқотилиши, оғир металлар, микробиологик тозаллиги ва микдорий таҳлил каби кўрсаткичлари асосида ўтказилди. ҚЭ жигар рангдаги, ўзига хос ҳидли қуқун бўлиб, таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотага нисбатан миқдори 6,5% дан кам бўлмаслиги, қуритиш жараёнида массанинг йўқотилиши 5% дан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди. Микробиологик тозаллиги бўйича препарат ХІ ДФ 2-нашри ва №2 сонли 3.2 қисми талабларига жавоб бериши лозимлиги белгиланди.

Таҳлил усуллари валидацияси ўсимлик хомашёси ва унинг асосида олинган ҚЭ учун қуйидаги валидацион кўрсаткичлари бўйича ўтказилди: аниқлилик ва такрорийлик, чизиқлилик, тўғрилиқ ва ички лабораториявий қайта такрорланувчанлик. Хомашё учун таҳлил усулининг аниқлилик ва такрорийлик кўрсаткичлари бўйича олинган ўртача натижанинг нисбий хатолиги 1,30, ҚЭ учун 0,80% ни ташкил этди. Чизиқлилик кўрсаткичи бўйича оксидолчин кислоталари йиғиндисининг чизиқлилик диапазони концентрацияси ҳар иккала намуна учун 80 дан 120% оралиғида жойлашди. Усулнинг тўғрилиқ кўрсаткичи бўйича ўртача регенерация фоизи хомашё ва ҚЭ учун 99,9% ни ташкил этди. Ички лабораториявий қайта такрорланувчанлик кўрсаткичи бўйича икки аналитиклардаги стандарт четланишлар статистик эквивалент бўлиб, ушбу усулнинг такрорийлигидан

далолат беради. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар ишлаб чиқилган услубларнинг объективлиги ва ҳаққонийлигидан далолат беради.

Препаратнинг фармако-токсикологик хусусиятлари Тошкент фармацевтика институтининг Фармакология ва клиник фармация кафедрасида, «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази»да, ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Гистология ва тиббиёт биологияси кафедраларида ўрганилди.

Каламушларда CCl_4 ёрдамида чақирилган токсик гепатитда 300 мг/кг дозадаги текширилувчи ҚЭ ҳамда таққосланувчи «Хофитол» препаратининг ўт хайдаш самарадорлиги мутаносиблиги аниқланди. 4 соат давомида ҚЭ берилган ҳайвонлардан йиғилган ўт суюқлиги $1,34 \pm 0,12$ мл, интакт ҳайвонларда $0,63 \pm 0,07$ мл, таққосланувчи «Хофитол» препаратида $1,25 \pm 0,07$ мл ни ташкил этди.

ҚЭ нинг ўткир заҳарлилиги препаратнинг 7700, 11550, 15400, 19250, 23100 ва 26950 мг/кг дозаларда оқ сичқонларда текширилди. ҚЭ нинг LD_{50} кўрсаткичи 20500 ($15530 \div 27060$) мг/кг ни ташкил этди.

Текширувлар ҚЭ моддаларнинг заҳарлилик классификациясига мувофиқ заҳарли эмаслигини кўрсатди.

ҚЭ ни «per os» 50, 250 ва 500 мг/кг дозаларда 2 ой мобайнида (наслсиз эркак каламушларда) қўллаш тажриба ҳайвонларининг орган ва тўқимларида сезиларли патологик ўзгаришларни келтириб чиқармаслиги аниқланди. ҚЭни «per os» ҳолида 300 (терапевтик) ва 1500 (максимал) мг/кг дозаларда юбориш эмбриотоксик ва тератоген таъсир намоён этмади.

ХУЛОСАЛАР

1. Кимёвий ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида тиканли артишок ва унинг асосида олинган ҚЭнинг кимёвий таркиби ўрганилди. Таҳлил натижасида уларнинг таркибида флавоноидлар, оксидолчин кислоталари, аминокислоталар, углеводлар, ёғлар, ошловчи моддалар, макро- ва микроэлементлар, рибофлавин ва аскорбин кислотаси аниқланди.

2. Хомашё ва унинг асосида олинган ҚЭнинг таркибидаги оксидолчин кислоталарнинг умумий миқдорини хлороген кислотасига нисбатан аниқлашнинг спектрофотометрик усули таклиф этилди. ЮССХ усули ёрдамида хомашё ва экстракт таркибида 10 дан ортиқ БФМ аниқланиб, улар орасида хлороген ва кахва кислоталари кўпчиликти ташкил этди.

3. Тиканли артишок баргларида ажратиб олинган полисахаридлар уларни фракцияларга ажратилгандан сўнг тадқиқ этилди. СЭП-Слар унуми 3,9 г (9,75%) ни, СЭП-Қ унуми 0,89 г (2,25%) ни, ПМлар унуми 3,39 г (8,47%) ни ва ГМЦлар унуми 2,67г (6,67%) ни ташкил этди.

4. Тиканли артишок хомашёсининг баъзи кўрсаткичлари Марокаш ва Россиянинг Кавказ Минерал Сувлари регионида ўсувчи мазкур ўсимликнинг шу каби кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилинди. Россия аналоги таркибида жами 15 та, маҳаллий хомашё таркибида эса 16 та аминокислота аниқланиб, Россияда ўсувчи мазкур ўсимлик таркибида пролин аминокислотасини сақламаслиги, аспарагин, глутамин, метионин, аргинин ҳамда микро- ва макроэлементлар миқдори республикамизда ўсадиган тиканли артишокка қараганда камлиги маълум бўлди.

5. Хомашё таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотага нисбатан миқдори 1,5% дан кам бўлмаслиги, намлик 10% дан, умумий кул миқдори 13% дан, 10% хлорид кислотасида эримайдиган кул миқдори 4% дан, диаметри 10 мм ли элакдан ўтмайдиган даражада майдаланган ўсимлик қисмлари 15% дан, диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтайдиган даражада майдаланган ўсимлик қисмлари 1% дан ҳамда органик ва минерал аралашмалар 1% дан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди.

6. Ишлаб чиқилган ҚЭ жигар рангдаги кукун бўлиб, ўзига хос ҳидли, намлиги 3% ни, оғир металллар миқдори ДФ меъёрларига жавоб бериши, оксидолчин кислоталарининг йиғиндиси хлороген кислотасига нисбатан 6,5% дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди, олинган натижалар асосида "Remedy Group" Ўзбек-Британия қўшма корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда КФМлар ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланди (тиканли артишок барглари - КФМ 42 Уз–22175941-2998-2016, тиканли артишок барглари куруқ экстракти - КФМ 42 Уз–2175941-2997-2016).

7. ҚЭнинг фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилди. Олинган натижаларга кўра препарат моддаларнинг заҳарлилик классификациясига

мувофиқ заҳарли эмаслиги аниқланди ва у «Хофитол» (Laboratories Roza–Phytopharma, Франция) препарати билан солиштирилганда мутаносиб специфик (ўт хайдовчи) биологик фаолликни намоён этди. ҚЭни «per os» 50, 250 ва 500 мг/кг дозаларда 2 ой мобайнида қўллаш тажриба ҳайвонларининг орган ва тўқимларида сезиларли патологик ўзгаришларни келтириб чиқармаслиги аниқланди. ҚЭни «per os» ҳолида 300 (терапевтик) ва 1500 (максимал) мг/кг дозаларда юбориш эмбриотоксик ва тератоген таъсир намоён этмади.

8. Тиканли артишок барглари (2016 йил 20 декабрьдаги №01212/12/16) ва тиканли артишок барглари қуруқ экстракти (2016 йил 20 декабрьдаги №01213/12/16) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида рўйхатдан ўтказилди ва ҚЭни ишлаб чиқаришга рухсат берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВНА

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ СЫРЬЯ И СУХОГО ЭКСТРАКТА АРТИШОКА
КОЛЮЧЕГО (CYNARA SCOLYMUS L.)**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК (PhD)**

Ташкент–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Far.6.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Таджиев Мансур Азизович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Арипова Салима Фазиловна
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: **«Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники» Государственное унитарное предприятие**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ____). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(Реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года).

Х.К. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.фарм.н., профессор

Р.Т. Туляганов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.б.н., доцент

С.Н. Аминов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире заболевания печени и желчевыводящих путей, их лечение и профилактика является одной из актуальных проблем. По сведениям Всемирной организации здравоохранения, только в 2015 году 1,34 млн. человек умерли от вышеуказанных заболеваний, и прослеживается отчетливая тенденция к росту. При лечении данных заболеваний препараты натурального происхождения по сравнению с синтетическими препаратами имеют определенные преимущества, к числу которых относятся широкий спектр фармакологического действия, отсутствие побочных эффектов. Особое внимание уделяется созданию лекарственных средств на основе местного натурального сырья и их внедрению в медицинскую практику, проводимые в этом плане научно-исследовательские работы по созданию высокоэффективных лекарственных средств для лечения заболеваний печени и желчевыводящих путей на основе местного артишока колючего (*Cynara scolymus L.*) и разработка их норм качества является одним из важных задач.

На сегодняшний день в мире для лечения заболеваний печени и желчевыводящих путей увеличивается спрос к препаратам, полученным на основе лекарственных растений, нежели чем препаратам синтетического происхождения. Во многих Европейских странах для лечения вышеуказанных заболеваний широко применяются препараты на основе артишока колючего, а также проводятся исследования по таким приоритетным направлениям, как фармакология, технология лекарственных средств и контроль их качества.

Предоставленные за годы независимости широкие возможности для развития различных отраслей страны и в том числе фармацевтической промышленности оказались важным фактором. В настоящее время в нашей стране действуют более 130 фармацевтических предприятий, которые выпускают более 2 тысяч лекарственных средств. Сегодняшний день требует интенсификацию работ по созданию и производству в промышленных масштабах лекарственных средств, на основе лекарственных растений произрастающих на территории нашей республики. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан для создания наиболее благоприятных условий по ускоренному развитию фармацевтической промышленности, образованные свободные экономические зоны такие как «Зомин-фарм», «Бойсун-фарм», «Паркент-фарм», «Косонсой-фарм», «Бустанлик-фарм», «Сирдарё-фарм» и «Нукус-фарм» являются приоритетными направлениями развития данной отрасли.¹ Проведение исследований по разработке лекарственного препарата для лечения заболеваний печени и желчевыводящих путей на основе сырья артишока колючего, его стандартизации, изучения состава сырья артишока колючего, разработка способов контроля качества, получение сухого

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

экстракта на основе данного сырья, исследование его химического состава, определение норм качества и стандартизация, изучение биологической активности «in vivo» и «in vitro» полученного экстракта имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренными Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», №ПП-3137 от 17 июля 2017 года «О дополнительных мерах по улучшению системы обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения» и Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" раздел IV «Приоритетные направления развития социальной сферы», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

